ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ЖАРАЁНЛАРИДА ЗАМОНАВИЙ АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ ЖОРИЙ ЭТИШ

А.Э.Обидов

Мақолада мамлакатимизда таълим тизимини ислоҳ қилишда ахборот-коммуникация технологияларининг ўрни ҳамда олий таълим тизими педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш муассасаларида вебинар техналогияларига асосланган ўқитиш тизимларини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш ҳақида сўз юритилган.

Калит сўзлар: *педагог кадрлар, ахборот-коммуникация технологиялари, интернет, мультимедиа, малака ошириш, қайта тайёрлаш, вебинар, электрон дарслик, виртуал лаборатория.*

В статье речь идёт о роли информационных технологий в реформировании системы образования в нашей стране, а также разработке и применении на практике образовательных систем, основанных на вебинарных технологиях в заведениях переподготовки и повышения квалификации педагогических кадров системы высшего образования.

Ключевые слова: *педагогические кадры, информационные и коммуникационные технологии, интернет, мультимедиа, повышение квалификации, переподготовка, вебинары, электронный учебник, виртуальная лаборатория*

In this article is talking about the role of information and communication technologies in the profound reform of the higher education systems of our country, as well as develop and implementation in practice the education systems based on webinar technology in the higher education institutions to training and professional development of pedagogical staff.

Key words*: pedagogical staff, information and communication technologies, Internet, multimedia, training, professional development , Webinars, Web sites, e-books, virtual labs, virtual space, open educational resources, ICT competence, information culture, mediacompetence.*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш тўғрисида»ги 2002 йил 30 май ПФ-3080-сонли Фармони иқтисодиётнинг турли тармоқлари, бошқарув, бизнес, фан ва таълим соҳаларига ахборот технологияларини кенг жорий этиш ҳамда аҳолининг турли қатламларига замонавий компьютер ва ахборот тизимларидан кенг фойдаланиш учун қулай шарт-шароит яратиб беришда асосий қадам бўлди. Бу соҳага қаратилаётган эътибор бежиз эмас, албатта. Инсонлар онгида компьютерлаштириш, электрон ҳукумат

ва бошқа шунга ўхшаш тушунчаларнинг ривожланиши долзарб масала этиб белгиланди. Хусусан, ўсиб келаётган ёш авлодни тарбиялашда ўзлигимизни йўқотмаган ҳолда, ахборот технологияларидан фойдаланиб, жаҳон билан ҳамнафас кадрлар этиб етиштириш асосий мақсадлардандир [1].

Таълим тизимига замонавий технологияларнинг жорий этилиши тизимнинг сифат кўрсаткичлари яхшиланиши, меҳнат унумдорлигининг оширилишига хизмат қилиши шубҳасиздир. И.Каримов таъкидлаганидек, “бугунги кунда хорижий билим масканларида ва мамлакатимиз олий ўқув юртларида юқори малакали кадрлар тайёрланаётганини инобатга оладиган бўлсак, ахборот-коммуникация технологиялари соҳасини янада ривожлантириш учун барча зарур ресурс ва имкониятларга эга эканимиз аён бўлади” [2]. Биринчи Президентимизнинг ушбу сўзлари таълим тизимига ахборот технологияларни янада кенгроқ жорий этиш масалаларини кўтаради.

Шу билан бирга, ахборот-технологияларнинг кенг жорий қилиниши мамлакат иқтисодиётининг ўсишига ҳам замин яратади. Ҳозирги кунда “жаҳон миқёсида яратилаётган ялпи ички маҳсулотнинг тахминан 6 фоизи ахборот-коммуникация технологиялари соҳасига тўғри келмоқда. Корея Республикасининг ялпи ички маҳсулотида ахборот-коммуникация технологияларини улуши 11,8 фоиздан зиёдни, Швецияда 7 фоизни, Америка Қўшма Штатларида эса 6,8 фоизни ташкил этади” [7].

Жаҳонда юз бераётган жараёнларнинг кўрсатишича, “айни пайтда глобал иқтисодиётда компьютер ва телекоммуникация технологиялари, дастурий таъминот маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва улар асосида кенг турдаги интерфаол хизматлар кўрсатишни ўз ичига олган ахборот-коммуникация технологиялари соҳасининг роли ва аҳамияти тобора ортиб бормоқда” [2].

Шу жумладан, ахборот технологияларининг дастурий воситаларини таълим жараёни, интернет глобал тармоғи, реклама соҳаси, туризм ва бошқа соҳаларга қўллаган ҳолда қилинган ишларда сезиларли натижаларга эришилмоқда. Бу ишлар веб-сайт, электрон дарслик, виртуал лаборатория, виртуал саёҳатлар ва виртуал борлиқ сифатида намоён бўлиши мумкин. Замонавий ахборот-коммуникация технологиялари соҳасидаги мазкур ютуқларни ўзлаштириш ва касбий фаолиятга татбиқ этиш педагог кадрлардан очиқ таълим ресурсларини (МООС) ўз ичига олган Интернет тизими имкониятларидан ўз касбий салоҳиятини доимий ривожлантириб боришда самарали фойдаланиш, илғор тажрибаларни ўзлаштириш, ахборотларни қайта ишлаш ва улардан ижодий фойдаланиш кўникмаларини ривожлантиришни талаб этмоқда. Бу эса, ўз навбатида, олий таълим муассасаларида фаолият кўрсатаётган педагог кадрларнинг ахборот маданияти, АКТ компетентлигини ривожлантириш заруратини вужудга келтиради.

Маълумки, педагогнинг АКТ компетентлиги – ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш асосида таълим натижаларига эришишнинг самарали усулларини белгилаш, АКТ асосида педагогик жараённи ташкиллаштириш ва талабалар ўқув фаолиятини бошқариш билан боғлиқ ҳолда тавсифланади. АКТ компетентлигини ривожлантиришдаги яна бир муҳим омил педагог кадрларнинг АКТ асосида педагогик жараённи лойиҳалаштириш ва ташкил этишдаги зарурий билим, кўникма ва малакалар билан қуроллантирилиши саналади. Мазкур вазифанинг натижавийлигини таъминлашда қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларидаги ўқув жараёнларининг ташкил этилиши ва бу жараёнларда педагог кадрлардаги замонавий электрон ахборот-таълим ресурслари билан ишлаш борасидаги янги компетенцияларнинг шакллантирилиши муҳим йўналишлардан саналади.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида “Электрон таълим” миллий тизимини яратиш» инвестиция лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2012 йил 16 апрелдаги ПҚ–1740-сон қарори таълим соҳасида ахборотлаштиришнинг миллий тизимини шакллантириш, замонавий ахборот технологияларини жорий этиш ва ундан фойдаланиш, жаҳон ахборот ресурсларидан баҳраманд бўлишни кенгайтиришга замин яратади.

Таълим тизимига электрон таълимни жорий этиш биринчи навбатда жамиятнинг интеллектуал салоҳиятига, жумладан, таълим соҳасининг ахборотлашувига, ахборот таълим ресурсларини ишлаб чиқишга боғлиқ. Дунёнинг ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларида таълимни ахборотлаштириш, шу жумладан, электрон таълим, масофавий таълим тизимларини жорий этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Айниқса, таълим жараёнларига вебинар технологияларини қўллашга қаратилган изланишлар сони тобора ошиб бормоқда (Г.В.Милованова, Н.М.Куляшова).

Вебинар («webinar» инглизча “Web-based seminar” сўз бирикмасининг қисқартирилган кўриниши бўлиб, вебга асосланган семинар, тренинг маъноларини англатади) – онлайн семинар, маъруза, тақдимотларни жонли режимда веб технологиялар ёрдамида ташкил этиш тизимидир. Ҳар бир иштирокчи, географик жойлашувидан қатъи назар, интернет тармоғи орқали вебинар иштирокчисига айланиши мумкин.

Вебинарда шахсий компьютерлар орқали вебинар ташкилотчиси томонидан юборилган ҳаволага белгиланган вақтда мурожаат этиш орқали иштирок этиш мумкин. Семинарнинг бундай тури амалга оширилаётганда иштирокчилар уч гуруҳга бўлина-

ди: семинар ташкилотчиси, маърузачи ва тингловчилар. Вебинар ташкилотчисидан талаб қилинадиган ягона ва асосий вазифа маърузачиларни тайинлаш, тингловчилар гуруҳини шакллантириш ва вебинар ўтказиладиган сана ва вақтни белгилаш ҳамда ушбу маълумотларни қатнашувчиларнинг электрон манзилларига юборишдан иборатдир. Иштирокчилар эса электрон почта манзилларига келиб тушган электрон манзил (URL)га белгиланган вақтда мурожаат қилишлари ва унда иштирок этишлари мумкин.

Маърузачи вебинар ўтказиш давомида ўзининг тақдимотларини тизимга юклаши, уларни намойиш этиши ва яна бир қатор имкониятлардан фойдаланиши мумкин. Вебинар сўнгида тингловчиларни баҳолаш ёки уларнинг фикрларини билиш мақсадида сўровномалардан фойдаланиши мумкин.

Бу технологиядан педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимида фойдаланиш қатор имкониятлар яратади. Жумладан, вебинарда иштирок этаётган тингловчилар маърузачининг тақдимотларини кузатиб бориш, у билан бирга битта умумий ёзув доскасида чизиш, матнли чат орқали алоҳида-алоҳида ёки уюшган ҳолда муҳокамаларда қатнашиш, видео ва аудио мулоқотларга киришиш каби имконларга эга бўладилар. Бу эса, ўз навбатида, бирор қайта тайёрлаш ва малака ошириш тармоқ марказининг тажрибасини бошқаларга тарғиб этиш, курсларга жалб этилган профессор-ўқитувчиларнинг маърузаларини марказлашган ҳолда ташкил этиш орқали барча тингловчилар ёки бошқа эркин иштирокчиларга етказиш имкониятларини беради.

Юқоридагиларни эътиборга олган ҳолда, бугунги кунда республикамиз олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимида турли мавзудаги музокаралар, онлайн учрашувлар, тақдимотларни ўтказиш, қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларига ўқув жараёнлари самарасини янада ошириш учун онлайн технологияларга асосланган вебинар тизими ишга туширилди. Мазкур тизимнинг ишга туширилиши, биринчидан, педагог кадрларнинг электрон таълим ресурслари билан ишлаш, ахборотларни мустақил ўзлаштириш, педагогик жараённи ташкиллаштиришга нисбатан креатив ёндашув кўникмаларини ривожлантиришга хизмат қилса, иккинчидан, ушбу тизим орқали доимий равишда онлайн маърузаларнинг ташкил этилиши педагог кадрларнинг мустақил ўз-ўзини касбий ривожлантириши учун ҳам қулай шарт-шароитларни яратади. Тизимнинг яна бир эътиборли жиҳати кенг қамровдаги ва имкониятлардаги турли интерактив хизматлар билан уйғунлашганидир. Бу эса ўз навбатида қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнларидаги таълим сифатининг ошишига, педагог кадрлардаги АКТ компетентлигининг ривожланишига ижобий таъсир қилиши шубҳасиз.

Хулоса сифатида таъкидлаш ўринлики, бугунги глобаллашув жараёнларида олий таълим муассасасининг педагог кадрларида ахборот маданияти, медиакомпетентлик, очиқ таълим ресурсларини яратиш ва амалиётга татбиқ этиш, талабалар билим, кўникма ва малакаларини баҳолашда, таълим натижаларининг мониторингини олиб боришда АКТ имкониятларидан мақсадли фойдаланиш каби зарурий кўникмаларни шакллантириб бориш асосий вазифалардан саналар экан, мазкур вазифаларнинг ижобий ечимини шакллантиришда қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларидаги таълим жараёнлари муҳим методик омил бўлиб хизмат қилади.

Адабиётлар:

1. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. - 1997.- № 9.- 225-модда

2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси.

3. Гурбан А.Д. Вебинар как инструмент обучения в образовании. // Информационные технологии в науке, управлении, социальной сфере и медицине: сборник научных трудов Международной конференции с международным участием.- Томск, 2014.

4.Милованова Г.В., Куляшова Н. М. Вебинар как инновационная форма дистанционного обучения. // Modern directions of theoretical and applied researches, 2014

5. О вебинарах. Вебинармаркет, 2016. [Online]. Available: http://www.webinarmarket.ru/webinfo/about/.

6. Цифры и факты: степень влияния ИКТ. 2016. [Online]. Available: http://bel.biz/completed/management/dengi/cifry_i_fakty_stepen_vliyaniiya_ikt

7. http://www.scienceforum.ru/2015/1206/16145

Ўзбекистон Миллий университети,
2016 йил 20 февралда қабул қилинган
(Тақризчи: п.ф.н. М.Мирсолиева)